



MUZRABOT

O'zbekiston—
kelajagi
buyuk
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqqan boshlagan
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2025-yil 29-noyabr
Shanba № 19-20 (4516)



Мукофот муборак



Navbatdagi fuqarolar qabuli



Кўкрак нишони топширилди

Мамлакатимизнинг турли соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшунингдек, жамиятда ҳурмат қозонган оналарнинг бир гуруҳи Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолияти-ни қўллаб-қувватлаш “Нуро-

ний” жамғармаси васийлик Кенгашининг қарорига асосан “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Мукофотланганлар орасида тумандошларимиздан кекса авлод вакиллари ҳам бор. Термиз шаҳрида бўлиб ўтган тантанادا вилоят Ҳоки-

ми У.Қосимов ва жамғарма бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ш.Убайдуллаев кўкрак нишонини адлия фахрийси Карим Қодировга топширдилар. Шунингдек, туман Ҳокими А.Маматқулов ва жамғарма-нинг туман бўлими раиси Э.Собиров туманимиздаги

Музrabot дарвоза маҳалласида яшаётган 90 ёшли она-хон Беккан Халбаевага ўз хонадонида “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини тақдим этдилар.

Тақдирланган меҳнат фахрийларига қимматбаҳо совғалар ҳам топширилди.

Шоира УМИРОВА,
“Нуроний” жамғармаси туман бўлими мутахассиси.

Murojaatlar ijrosi qat'iy nazoratga olindi

Muzrabot tumani Hokimi Abdulla Mamatqulovning navbatdagi fuqarolar qabuli O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Muzrabot tumanidagi Xalq qabulxonasining tuman bo'limida bo'lib o'tdi.

Qabulda tuman Hokimining o'rinbosari, tegishli korxona va tashkilotlar rahbarlari ishtirok etdi. Unda 60 ga yaqin fuqarolarning murojaatlari tinglanib, ularni hal etish yuzasidan tegishli choralar belgilandi.

Qabul jarayonida fuqarolardan uy-joy ta'miri, moddiy yordam ko'rsatish, imtiyozli kredit ajratish, ishga joylashish hamda kommunal sohadagi muammolar bo'yicha

murojaatlar kelib tushdi. Jumladan, murojatlarning 6 tasi joyida ijobiy hal etildi. Muddat talab qiladigan murojaatlar esa tegishli mas'ul

tashkilotlarga yuborilib, ijrosi qat'iy nazoratga olindi.

Muzrabot tumani
hokimligi
Axborot xizmati.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ — ҲУҚУҚИМИЗ КАФОЛАТИДИР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий истиқлол ҳақидаги азалий орзу-умидларимиз амалга ошди. 1992 йил 8 декабрь куни она диёримизда яшовчи барча халқлар ҳаётида муҳим воқеа бўлган Асосий Қонунимиз—Конституция қабул қилинди.

Маълумки, Асосий Қонунимизда инсон оминининг ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматининг энг олий қадрият, деб белгилаб қўйилгани бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар туфайли ўз исботини топмоқда. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларда бу гоё сингдирилаётганлигини сезиш қийин эмас. Хусусан, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим бериш, малака-тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахс-



лар, мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давр-латимизнинг доимий диққат марказида. Тадбиркорлик соҳасида фуқароларнинг мустақил равишда фаолият олиб бораётганлиги, ҳар бир қарор ва фармонларда уларнинг манфаатлари ҳимоя этиб борилаётганлиги ҳам сўзимиз исботидир.

“Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қан-

дай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир”, дейилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида. Шунингдек, 23-моддада “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳимийлик кўрсатишни кафолатлайди”, дейилган.

Халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз равнақининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи Бош қомусимиз юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, оила тақдирида, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажагини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақам кучга эга бўлган Асосий қонунимиз бор экан, биз қайси соҳада бўлмайлик, ўз ҳақ-ҳуқуқимиз кафолатига эгамиз. Шундай экан, бизни ҳар томонлама ҳимоя қилиб турган Конституция-мизни билиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ш.НУСРАТУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилояти
транспортда ХТБ ТГ тер-
говчиси, катта лейтенант.

Ekologiya milliy qo'mitasi tashkil etiladi

Davlatimiz rahbarining "O'zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o'zgarishi milliy qo'mitasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida" 2025-yil 18-noyabrda PQ-343-son qarori qabul qilindi.

Ekologiya qo'mitasining "Atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida ixtisoslashtirilgan tahliliy nazorat markazi" davlat muassasasi negizida "Ekologik monitoring milliy markazi" davlat muassasasi tashkil etiladi. U o'z faoliyatida bevosita Prezidentga hisobdordir hamda o'z faoliyatini barcha davlat organlari va tashkilotlari, ularning mansabdor shaxslaridan mustaqil ravishda

amalga oshiradi, ushbu mansabdor shaxslarning uning faoliyatiga aralashuvi taqiqlanadi.

Vazirlar Mahkamasining qonunosti hujjatlarida belgilangan ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasidagi vakolatlari ularga tegishli o'zgartishlar kiritilguniga qadar bevosita Ekologiya qo'mitasi tomonidan amalga oshiriladi. Qo'mitaning joriy faoliyatiga rahbarlik Prezidentning ekologiya masalalari bo'yicha maslahatchisi tomonidan amalga oshiriladi.

O.JUMAYEV,
tuman adliya bo'limi bosh
maslahatchisi.



Қўша қариш саодати

Бардавом бўлсин

Азал-азалдан халқимизнинг ибратга, эътирофга лойиқ шундай таомиллари борки, садағаси кетсанг арзийди. Улардан энг улуғи ва муқаддаси никоҳ маросимидир. Никоҳнинг барча тadbirlarida пиру бадавлат нурунийларимиз келин-куёвнинг бахти-саодати учун дуога қўл очадилар. Ёшларга қарата “қўша қаринглр” дея оқ фотиҳа берадилар. Бундай гўзал, чиройли удум ва анъаналарни ҳар бир инсон вояга етганда ўз бошидан кечиради, албатта.

Туманимизнинг Дарбанд маҳалласида истиқомат қилаётган Йўлдош Халилов ва умр йўлдоши Турдихол момонинг бундан салкам бир аср илгари кексалар: “узоқ умр кўринглр, қўша қаринглр, ўзларингдан кўпайинглр” деганида хикмат бор экан. Эр-хотин бир ёстиққа бош қўйганига қарийб 70 йил тўлгани бунинг исботидир.

Даврининг нотинч силсилаларида Қизилнавр қишлоғида

барпо этилган оила турмушининг “мушти”га чидаб, бахтли кунларга ҳам етиб келди. Тоғда ҳам, чўлда ҳам фидокорона ишлаб хонадонлари оқиб бўлди. Аввалига оилада 5 нафар — 2 ўғил, 3 қиз туғилди, улардан 16 нафар невара, 15 нафар чевара дунёга келди.

Халил бобо деҳқончилик, тракторчилик касбларини улуғлади, Турдихол момо илғор пиллачи, пахтакор сифатида ном қозонди. Меҳнатлари эвазига эл-юрт орасида обрў-эътибор топишди. Бу шарафни бугун сулоланинг давомчилари оқлаб келишяпти.

Қўша қариш саодати на-сиб этган пиру бадавлат ота-хон ва онахонга бугун ҳамма ҳавас билан қарайди. Уларнинг саодатли кунлари узоқ йиллар билан тутшиб кетсин илоҳим.

А.ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Журналислар
уюшмаси аъзоси.

С.КУЛБОБОВ
олган сурат.

Соғлом миллат — ҳар қандай мамлакатнинг асосий бойлиги, унинг иқтисодий салоҳияти, маънавий қуввати ва келахак тараққиёти гарови. Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов шу ҳақдаги фикрлари билан ўртоқлашди:

Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида

Ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз

— Қайд этиш лозимки, ўтган саккиз йил давомида давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари натижа-сида “Инсон саломатлиги — олий қадрият” деган тамойил асосида соғлиқни сақлаш тизимида тарихий ўзгаришлар амалга оширилди. Янги тизим, янги ёндашув ва янги дастурлар амалиётга татбиқ этилди. Бу соҳа нафақат инфратузилма жиҳатидан, балки мазмун жиҳатдан ҳам янги босқичга кўтарилди. Тўпланиб қолган кўплаб муаммолар ечимига қаратилган қатъий чоралар қўрилди.

Мамлакатимиз миқёсида

Коррупцияга қарши курашнинг янги даври бошланмоқда

Маълумки, коррупция келтирадиган зарар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро бўлсак, ҳуқуқий қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органининг ташкил этилиши, вазирилик ва идоралар фаолиятининг рақамлаштирилиши натижасида сўнгги 7-8 йиллик вақт оралиғида муайян ижобий натижаларга эришилди.

жат бу “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳисобланади.

Таҳлилларга эътибор қаратдиган бўлсак, ҳуқуқий қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органининг ташкил этилиши, вазирилик ва идоралар фаолиятининг рақамлаштирилиши натижасида сўнгги 7-8 йиллик вақт оралиғида муайян ижобий натижаларга эришилди.

(Давоми 4-бетда.)



«Очиқ дарс» машғулоти

Музrabot хизмат кўрсатиш ва сервис техникумида инглиз тили фанидан “Jobs and family” мавзусида “Очиқ дарс”, яъни маҳорат дарси бўлиб ўтди.

Таҳрибали ўқитувчи Баҳром Маматқулов томонидан мавзу (дарс)ни кўргазмалар воситалар, тарқатма материаллар ҳамда АКТ воситаларида фойдаланган ҳолда ташкиллашти-риб ўтилди. Шунингдек, дарс жараёни тинглаб тушуниш,

ўқиб тушуниш, гапириш ва қизиқарли методик ўйинлар машқлари тарзида олиб бо-рилди. Бунда ўқувчилар яқка-лик ва гуруҳларга бўлиниб, фаол иштирок этишди.

Очиқ дарсни ёш ўқитувчи-лар ва таҳрибали устозлар кузатиб боришди, таҳлил қилишди. Барча фаол қатнаш-ган ўқувчилар дарс сўнггида баҳоландилар.

С.КУЛБОБОВ.

А.БАКИРОВ.

Суд тизимида

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

Биламизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-хукук соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани ривожлантиришга оид қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳани ривожлантиришда ахборот технологияларини кенг жорий этиш, рақамли технология ютуқларидан фойдаланишни оммалаштириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилди ва бунинг натижасини бугунги кунда амалда кўриб турибмиз.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан ушбу соҳадаги ислохотларни янада ривожлантириш, соҳани янги босқичга олиб чиқиш юзасидан жорий йилнинг 21 августида “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-140-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу фармоннинг қабул қилинишида куйидагилар мақсад қилинди:

- суд ишларини юритишда иш юритишнинг қоғоз шаклидан воз кечиш ва босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтиш;
- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизмат турларини ошириб бориш;
- сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур техник инфратузулмани яратиш, ушбу йўналишдаги норматив-хукукий базани такомиллаштириш;
- суд хужжатлари архиви модулни ишлаб чиқиш;
- кибер хукук йўналиши-

да илмий тадқиқотлар ўтказиш, судья ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини, малакасини ошириш;

- рақамли суд концепцияси асосидаги суд мажлиси залларини ташкил этиш.

Мазкур фармонга асосан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда суд ишларини кўришни соддалаштириш мақсадида куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди:

- сунъий интеллект ёрдамида суд ишининг тахминий натижасини билиш;
- муурожаатларни электрон шаклда юбориш;
- суд ишларида масофадан туриб иштирок этиш;
- барча суд материаллари билан электрон шаклда танишиш;
- ижро варақаларини автоматик равишда ижрога юбориш;

- ишларни тўлиқ электрон тарзда юритиш;

- баённомаларни реал вақт режимида тайёрлаш.

Шунингдек, фармонга асосан 2025 йил якунига қадар, тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида иқтисодий, фуқаролик, маъмурий низо-ларни кўришга мўлжалланган рақамли суд концепцияси асосидаги суд мажлислари залларини ташкил этиш, 2027 йилга қадар рақамли суд концепциясини республиканинг барча суд-ларига жорий этиш белгиланди.

Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган мазкур фармонга асосан судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари учун вақт ва маблағни иқтисод қилади. Қолаверса давлат бошқарувида ҳам бу суд юқини энгиллаштиради ва суд харажатларини тежайди.

Тўра АЛИМАРДОНОВ, Денов туманлараро иқтисодий суди судьяси.

Huquqshunos talqini

О‘rindoshlar bilan qancha muddatga shartnoma tuziladi?

О‘rindoshlar bilan mehnat shartnomasi tuzishda amaldagi qonunchilikda qat’iy cheklov o‘rnatmagan. Lekin o‘rindoshlik asosidagi mehnat faoliyatining mazmunidan bunday mehnat shartnomalari muayyan muddatga tuzilishi kerakligi kelib chiqadi.

Avvalo, aytish kerakki, Mehnat kodeksining 432-moddasiga muvofiq shaxsning asosiy ish joyida ish vaqtidan bo‘sh bo‘lgan holatda boshqa joyda ishlashi o‘rindoshlik hisoblanadi. Bunda xodim asosiy ishini bajarishidan tashqari asosiy ishidan bo‘sh vaqtidagina o‘rindoshlikda ishlashi mumkin.

Qachon shaxs o‘rindoshlik asosida ishga qabul qilinadi? Birinchidan, uning asosiy ish joyi mavjud bo‘lganda; ikkinchidan, uni o‘rindoshlikda ishga qabul qilayotgan korxonada vaqtinchalik vakant (bo‘sh) ish o‘rni mavjud bo‘lsa. Bunda Mehnat kodeksining 111-113-moddalariga amal qilgan holda o‘rindoshlar bilan aniq vaqtni belgilagan holda

yoxud muayyan hodisa sodir bo‘lguncha muddatli mehnat shartnomasi tuziladi.

Misol uchun, o‘rindoshlikdagi xodim ishga qabul qilingan lavozimga yangi asosiy xodim ishga qabul qilinguncha bo‘lgan muddatga yoxud homiladorlik va tug‘ish ta’tiliga ketgan xodim ishga qaytish muddatiga (masalan, 2025-yil 10-dekabriga qadar) aniq muddatni ko‘rsatish mumkin bo‘ladi. Biroq Mehnat kodeksining 158-moddasi 2-qismida agar mehnat shartnomasining muddati tugaganidan keyin yakka tartibdagi mehnatga oid munosabatlar davom etsa va tараflardan birovitasi ham ushbu moddaning birinchi qismida nazarda tutilgan qismida nazarda tutilgan ularning tugatilishini talab qilmagan bo‘lsa, shartnoma nomuayyan muddatga tuzilgan deb hisoblanadi.

Faxriddin NEMATOV, tuman adliya bo‘limi yuridik xizmat ko‘rsatish markazi boshlig‘i v.b.

Жиноят ва жазо

НОНКЎР МИГРАНТ

Хотин-қизлари эъзозланадиган мамлакатимизда ҳам минг афсуслар бўлсинки, аёл шаъни, кадр-қимматини топовчи аянчи ва хунук, керак бўлса, кеңибир бўлмас ҳолатлар учраб турибди. Туманинг Шаффоф маҳалласида яшовчи Дониёр Арслонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундай жirkanч жиноятни содир этди.

Дониёр Арслонов дангасалиги сабабли топиш-тутишининг тайини бўлмаган, Россия Федерациясини “обод” қилиш учун сафарга отланди. У ерда қурилиш ишларида қишлоқдошлари билан ишлаб, бошлана учун иш бошқарувчиси Шухрат Фазлиддиновнинг хонадонини танлади. Тўғрироғи, уй эгасининг тақлифи, қўллови билан жойлашиб олди ва “орқасидан ханжар урди”.

Туз-у намак бўлган ушбу хонадонга Д.Арслонов нонқўрларча нопок қадамини қўйди. Хонадонни таъмирлаш жараёнида ювиниш хонасига яширин кузатув камерасини ўрнатади ва хонадон бекаси бўлмиш Муяссар Бердиназаровани кийимсиз ҳолатда видеотасвирга олишга эришади.

Орадан бир йил ўтиб, Ватанга қайтгач, ғаразли ва паст ниятларда осон йўл билан пул топиш мақсадида М.Бердиназаровага ижтимоий тармоқ орқали унинг яланғоч ҳолатдаги видео ва фотосуратларини юборади. Шу йўл билан кўрқитиб, ушбу видео ва фотосурат-

ларни интернет орқали тарқатмаслик эвазига 900 АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағларини талаб қилади. Акс ҳолда “Сени интернет юлдузига айлантираман” деб пўписа қилади.

Жабрланувчи хонадон эгалари ҳолат юзасидан Термиз шаҳрида яшовчи таниши номидан ИИБга муурожаат қилишди. Муурожаатга кўра, тезкор тадбир ўтказилиб, товламачи талаб қилган пул маблағларини олаётган пайт қўлга олинди.

Суд товламачи Дониёр Арслоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбли деб топиб, 3 йил озодлиқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Доно халқимизда “Жой берганга – жонингни бер” деган пурмаъно накл бор. Дарҳақиқат, бир мусофирнинг мушкулини осон қилиб, Ш.Фазлиддинов савоб иш қилди. Аммо ана шундай хожатбарор инсонларнинг тузини еб, тузлуғига тупурган Д.Арслоновнинг шайтоний ва паст қилмишини кеңибир бўлмайди. Унга берилган шу жазо мuddати ичида буни англаб етса ажаб эмас.

Д.ШЕРАНОВ, Жиноят ишлари бўйича Музработ тумани суди судья ёрдамчиси.

С.ҚУЛБОБОВ, “Muzrabot” газетаси мухбири.



Жаҳолатга қарши маърифат билан

Мафкуравий иммунитет

ёхуд мафкуравий полигондан муносиб ҳимояланиш кафолати

Бугунги кунда дунё ҳам-жамиятида турли хил мафкуравий хуружлар ҳеч бир соҳа вакиллари учун мутлақо бегона ҳолатга ўтказишга қарши бўлади. Биринчи раунг, худбинлик ва лоқайдлик, миллатчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос қилишга имтиҳонимиз зарур. Зеро, юқоридагилар сингари шахснинг баркамол ривожланишига болта урувчи “паразит” иллатлар нафақат айрим шахсларнинг, балки бутун жамиятнинг таназулига сабаб бўлади.

Ҳар бир инсон ҳаётида ғоят аҳамиятли бўлган бу фикрларни ёшларнинг онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш муқаддас бурчимиздир.

Жаҳонгир АХРОРОВ, Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси.

(Бошланиши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ва фармацевтика соҳаси вакиллари билан учрашувида мамлакатимизда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил қилиниб, келгусидаги режалар белгиланди. Қўллаб тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, келгуси ўқув йилида бошлаб тиббиёт олийгоҳларида умумий тиббиёт факультетини очиб ва бу факультетда педиатрия ва даволаш йўналишларини

лашга қаратилган ҳар қандай урунишлари, хусусан, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ҳолатга ўтказишга қарши бўлади.

Ёш авлодни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритганимизда, нафақат халқимиз улуғлайдиган хусусиятлар, айни пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган номаъқул иллатларни ҳам очик айтиши-синг зарур бўлади. Биринчи раунг, худбинлик ва лоқайдлик, миллатчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос қилишга имтиҳонимиз зарур. Зеро, юқоридагилар сингари шахснинг баркамол ривожланишига болта урувчи “паразит” иллатлар нафақат айрим шахсларнинг, балки бутун жамиятнинг таназулига сабаб бўлади.

Ҳар бир инсон ҳаётида ғоят аҳамиятли бўлган бу фикрларни ёшларнинг онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш муқаддас бурчимиздир.

Жаҳонгир АХРОРОВ, Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси.

Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида

Ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз

қамраб олиш, резидентура ва магистратура тизими орқали оилавий шифокорлар тайёрлаб бориш тақлиф қилинди.

Энг муҳими, резидентура талабалари бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиб, ҳам ишлаб маош оладиган тизим жорий этилиши таъкидланди. Бу эса, ёш шифокорларнинг малакасини ошириш билан бирга, уларни соҳада фаолиятини давом эттириш

учун катта рағбат бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, 2027 йилгача Олий ҳамширалик иши йўналиши бўйича қабул квоталарини икки баробарга ошириш, олий маълумотли ҳамшираларнинг маошига 100 фоиз устам бериш вазифаси белгиланди.

Давлатимиз раҳбари хусусий секторга кенг имкониятлар яратиш мақсадида келгуси йилдан тиббий ус-

Инсон ва қонун

Оилада зўравонлик — жиноят эмас, жамиятга зарба

Оилавий тинчлик ва тотувлик ҳар бир инсон ҳаётида бебаҳо қадриятдир. Аммо афсуски, айрим ҳолларда оилада юз берадиган низолар фақат бир хонадон доирасида қолмай, жамият ҳаётида ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Жорий йилда Музработ тумани судида кўрилган навбатдаги жиноят иши бунга ачинарли мисол бўлди.

Бу ишда айбланувчи сифатида судга тортилган 40 ёшли А.Х. ўз хотинига тан жароҳати етказгани учун жавобгарликка тортилди. Судда аниқланишича, у 2024 йил 27 сентябрь куни соат 16:30ларда қайнотасига тегишли бўлган хонадонда 1994 йилда туғилган турмуш ўртоғи Т.Н. қизининг бегона эркак-лар билан ишқий муносабатга киришиб юрганлиги сабабли у билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида ошхонадаги стол устида турган совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ошхона пичогини умр йўлдоши Т.Н.га бир мартаба санчиб, қасддан тан жароҳати етказган.

Суд терговчи материалларига кўра, А.Х. дастлаб Т.Н.га зарба берган, қўл оёқлари билан урган. Натижада танасига, аниқроғи, ўткир пичоқ билан санчиб, жароҳат етказган. Ушбу тан жароҳати оғирлик даражасига кўра киши ҳаёти учун хавfli бўлган “оғир” тан жароҳати эканлиги аниқланган.

Судда айбланувчи ўз ҳаракатларини тушунтирар экан, “ўзимни бошқара олмадим” дея изох берган ва у энгиллик сўраган. Бироқ жабрланувчи унга нисбатан даъво билдирган, воқеанинг тафсилотлари эса гувоҳларнинг кўрсатмалари ва тер-

гов материаллари билан тасдиқланган. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳам воқеа содир бўлган кунда ҳолатдан хабар топганликларини, аёл шифохонага олиб келинганини тасдиқлаганлар.

Суд бу ишни кўриб чиқаркан, нафақат содир бўлган жиноятнинг оғирлигини, балки унинг ижтимоий хавfliлигини ҳам эътиборга олди. Оилавий можароларнинг зўравонлик билан ҳал этилиши нафақат жавобланувчиларга зарар етказди, балки болалар онгига салбий таъсир кўрсатиб, келажак авлоднинг руҳий ҳолатига ҳам чуркур из қолдиради. Айнан шунинг учун қонун оиладagi зўравонликни жиддий жиноят сифатида баҳолайди ва унга нисбатан қатъий чораларни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Жиноят кодексининг 105-моддаси ва 126-моддаларида оилавий зўравонлик ҳар қандай шаклда – жисмоний, руҳий, иқтисодий ёки жинсий бўлишидан қатъи назар – жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган. Ҳатто ҳиссий ҳолат, ғазаб ёки рашк каби оммилар ҳам зўравонликни оқламайди. Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бундай

ҳолатлар жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари устувор ҳисобланади ва ҳар бир ҳолатга қонуний баҳо берилади.

Суд А.Х.нинг илгари судланмаганлиги, айбини тан олганлиги каби энгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олди. Унга нисбатан озодлиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлади.

Бу воқеа яна бир бор шуни кўрсатадики, оилавий можароларни зўравонлик йўли билан ҳал этишга уриниш фақат жиноят эмас – бу бутун жамиятга зарба. Рашк ёки ғазаб ҳолатида қилинган ҳаракатлар бир лаҳзада бутун ҳаётни издан қичариши, оилани пароканда қилиши ва фарзандлар тақдирига таъсир кўрсатиши мумкин. Суд амалиёти шуни кўрсатадики, зўравонликни олдини олишнинг энг самарали йўли – муаммони ўз вақтида тинч йўл билан ҳал қилиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва керак бўлса, тегишли органларга муурожаат қилишдир.

Оила жамиятнинг асоси. Уни асраш, зўравонликсиз, хурмат ва ишонч асосида барпо этиш эса ҳар биримизнинг вазифамиздир. “Оилавий зўравонлик бу - жиноят” деган тушунча нафақат қонунларда, балки ҳар бир юртдошимизнинг онгига чуркур ўрнашган бўлиши зарур. Шунда жамиятимизда нафақат зўравонлик ҳолатлари камаяди, балки соғлом, тотув ва фаровон оилалар сони ҳам ортади.

Я.БЕККАМОВ, жиноят ишлари бўйича туман суди раиси.

Омонхона БМТ туризм ташкилотининг «Ривожлантириш дастури»га киритилди



БМТ Туризм ташкилоти томонидан навбатдаги “Энг яхши туризм қишлоқлари” лойиҳаси ғолиблари эълон қилинди. Улар орасида Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Омонхона қишлоғи ҳам бор. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Туризм қўмитаси маълум қилди.

Қайд этиш жоиз, БМТ Туризм ташкилотининг “Энг яхши туризм қишлоғи” танлови 2021 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Ушбу мақом экологик ва агротуризм соҳасида нуфузли кўрсаткичларга эга бўлган, шу жумладан, маданий ва табиат қадриятларини, органик озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳаёт тарзини сақлаб қолган қишлоқларга берилади ва дунё бўйлаб энг яхши туризм қишлоғи деб тан олинади.

Жорий йил мазкур танловга Африка, Америка, Осиё ва Европа минтақаларидаги 65 та мамлакатдан 270 дан ортқ номзодлар қабул қилинган. Жумладан, Бойсун туманининг тоғли ҳудудида жойлашган, ўзи-

нинг табиий манзаралари, шифобахш булақлари, тарихий ёдгорликлари, номоддий маданий мероси ҳамда меҳмондўст аҳолиси билан машҳур бўлган Омонхона қишлоғи номзодномаси ҳам танлов ғолибларидан деб топилди ҳамда лойиҳанинг “Ривожлантириш дастури”га киритилди.

Шу ўринда айтиш керакки, 2024 йил Омонхона қишлоғида Ўзбекистоннинг туризм қишлоғи мақоми берилган эди. Эндиликда қишлоқнинг БМТ дастурига киритилиши унинг халқаро миқёсда эътироф этилганидан далолат. Қолаверса, Ўзбекистоннинг қишлоқ

ҳудудларини барқарор ривожлантириш, туризм равнақига эътибор ва янги туризм марказларини шакллантириш йўлидаги изчил сиёсатининг натижаси.

БМТ Туризмнинг “Ривожлантириш дастури”га дунёнинг туризм салоҳияти юқори бўлган нуфузли қишлоқлари танлов асосида киритилади. Ушбу дастур мутахассислар кўмаги, ўқув дастурлар ва техник маслаҳатлар билан қўллаб-қувватлаш натижасида қишлоқ салоҳияти янада кўтариш ва сайёҳлар эътиборига ҳавола қилиниш мақсад қилади.

Муҳтарама КОМИЛОВА, ЎЗА мухбири.

бўлган саломатликини мустаҳкамлашга қаратилган. Бошқача айтганда, бу тизимнинг марказида инсон қадри, унинг ҳаёти ва саломатлиги турибди.

Шу боис, биз бундай хайрли ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз. Уларнинг амалда таъминланиши борасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, зарурат бўлса, янги қонунлар қабул қилиш бўйича иш олиб борамиз.

ЎЗА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА ёзиб олди.



Жадидлар руҳига

Оҳ, бу не жасорат, бу не жонбозлик?
Ич инграр, нобуд қалб, ичда нобуд ишқ.
Қаерда соқовни кўрдик овозлик?
Қайда баланд сўзлар – боқ, оғзи қийшиқ,
Тун, сира ёришма!!! Отмагина тонг.
Хой, денгиз, хазонсиз бўлмасин юзанг!
Аллане қоришма – серзардоб, серқон –
Киём тутса тақдир синмасму рўзанг?!
Бош кўтарма ростгўй, кундалар кўп оч.
Сўргай асрларким исёнкор бошин.

Бир шеър таҳлили

Жадид боболаримиз издошларидан бадий руҳ ва замонавий даъват

Она Ўзбекистонимизнинг чекка туман ва қишлоқларида эркин табиатнинг эрка ижодкорлари ижод қилишди. Денгиз юзаси сокин кўрингани билан остидаги шовқинни ҳис этиш ҳаяжонни ҳаммага ҳам эмас десак адашмаймиз. Ана шундай оташнафас, серқуёш Сурхоннинг Сариосиё туманида истикомат қилувчи қаламкашимиз Холида Исмоил кизининг “Шошаётган шамоллар” номли китоби кўлимга тушди-ю мафтункор чизгилар юрагимни ўртаб бошлади. Бир-биридан гўзал ижодлари билан диққатимни тортган ашъорлардан ватанпарвар жадид боболаримизга аталганлари бўлди. Холида Исмоилнинг “Жадидлар руҳига” номли шеъри ҳақиқатан ҳам фалсафий, тарихий хотира ва исёнкор руҳни уйғунлаштирганлигини алоҳида талқин этгим келди.

Тарихий-руҳий асос. Шеърда жадидларнинг фаолияти – жасорат, жонбозлик, ҳақиқат учун кураш, қатл ва қийноқлардан қочмаган руҳи гавдаланади:

*Номларин қаролаб,
этишди шаънсиз,
Ҳақ халқ насллари*

этилган он қатл.

Бу сатрлар жадидларнинг фожиали тақдирини, уларнинг халқ учун қурбон бўлганини ёрқин ифода қилади. Шу билан бирга, шеър шунчаки мотам эмас, балки руҳий уйғутувчи даъватдир: жадидлар қурбони биз учун сабоқ, илҳом ва исён.

Фалсафий-маънавий қирралар. Шеърда “тинмас исён” ва “ростгўйликнинг жазоси” мавзулари фалсафий нуқтаи назардан кўтарилган. “Бош кўтарма ростгўй, кундалар кўп оч” деган сатрлар ҳақиқатининг оғир қиммати-ни, аммо унинг абадий қудратини кўрсатади. “Ҳақ одил, вақт ҳакам...” деган хулоса эса вақт барчасини адолат билан ўлчайди, ҳақиқат чириб кетмайди деган катта ишончини англатади.

Бадий-эстетик таҳлил. Шеърнинг оҳанги драматик ва исёнкор, аммо бир вақтнинг ўзида олижаноб руҳият билан йўрилган. Образлар кучли ва таъсирчан: “Зангноқ, консираган шамшир” – жадидларнинг қурбонлиги. “Чинор чирс бутогин елвизак эгса” – улкан мақсадли ҳалқ, аммо вақтинча синган армон. “Алқанур... Таги хуув тоғлик зилоллар” – сўнгги сатрда тозалик, умид ва янги нурга ишора. Ушбу образлар шеърни фақат тарихий хотира эмас, балки, руҳий янгила-ниш даъватига айлантиради. Холида Исмоил қаламидаги бу шеър ҳақиқий жадидлар руҳи билан уйғун. Унда жасорат, исён, ҳақиқат ва адолатнинг фалсафий моҳияти мужассам. Шу боис, бу каби асарлар жадидлар издошлиги руҳини ифода этади.

Жадидлар руҳи ва замонага мурожаат. Жадидлар номи тилга олинса, қулоқда шамшир садоси, юракда исён зарбалари, қалбда эса нури сўнмас маърифат чакнаши уялайди. Улар йўқ эди, балки абадий руҳ эди. Холида Исмоилнинг “Жадидлар руҳига” номли шеърда ана шу

*Зангноқ, консираган шамшир яланғоч,
Жадид этин тўғраб беэамас ошин.*

*Номларин қаролаб, этишди шаънсиз,
Ҳақ халқ насллари этилган он қатл.
Узагини кесган хоин ва шансиз,
“ИНСОН” аталишса бу эрмасда “АДЛ”!!!*

*Чинор чирс бутогин елвизак эгса,
Чинорнинг чин ори ҳаққин ҳалоллар.
Ҳақ одил, вақт ҳакам, муддати етса.
Алқанур... Таги хуув тоғлик зилоллар.*

Холида ИСМОИЛ



зи ҳануз тирик;
-вақт ҳакам, ҳақиқат ҳеч қачон мағлуб бўлмайди;
-исён – қон билан ёзилган, маърифат – қалб билан ёзилган;
-қатл қилинган тана ўлади, аммо исёнкор руҳ ўлмайди;
-жасорат – жадидларнинг қонида, адолат – руҳида;
-жадидлар кеча қурбон бўлди, эртага руҳи яна нур сочади.

Фалсафа шеърдан чиққан ғояларнинг қисқа, кескин ва таъсирчан талқини бўлиб хизмат қилади. “Жадидлар руҳига” шеърдан илҳомланиб, публицистик руҳда тайёрланган мақолам ушбулардан иборат. Жадидлар руҳи – Бугунга Чақириқ. Тарих саҳифаларида қон билан ёзилган номлар бор. Уларни ўчирмоқчи бўлишган, қораламоқчи бўлишган, аммо вақт ҳакам, ҳақиқат адолатли. Уларнинг исми қораланса-да, руҳи қораланмади. Улар – Жадидлар. Жасорат ва қурбонлик мероси. Жадидлар қоронғу замонда маърифат шабини ёқдилар. Қаламни шамширдек кўтардилар. Китобни қалқон қилиб, авлодни қоронғуликдан олиб чиқишга уринишди. Аммо уларнинг ҳар бири қатлга маҳкум этилди. Бироқ уларнинг ўлими мағлубият эмас, балки халқ уйғониши учун қурбонлик эди. Исён ва ҳақиқатнинг нархи, Жадидлар ростгўй эдилар. Ростгўйлик эса ҳар даврда қимматга тушади. “Бош кўтарма ростгўй, кундалар кўп оч” деган бўлса ҳам, унинг абадийлигини англатувчи далилдир. У миллий уйғонишнинг давомий эканини, руҳий мерос ҳеч қачон ўлмаслигини таъкидлайди. Шеър бизга шундай дейди: жадидлар қурбон бўлди, аммо руҳи биз билан. Ростгўйлик учун синашди, аммо ҳақиқат абадийдир. Чинорнинг илдиизи тирик, у яна яшнайди! Шу боис, бу шеър ҳақиқатан ҳам жадидлар издоши қаламидан чиққан асар каби қабул қилинади. Унда жасорат, исён ва маърифат уйғунлиги кескин, аммо қиройли талқин этилган. Куйида “Жадидлар руҳига” шеърдан руҳланиб, унинг асосий ғояларини афоризм ва таъсирчан иктибослар шаклида жамладим бироз.

Жадидларнинг номи қораланди, аммо руҳи қораланмади;
-ростгўйликнинг жазоси оғир, аммо унинг умри абадий;
-қонга чўккан шамшир ҳам нур сочади, агар у ҳақиқат учун кўтарилган бўлса;
-жадид қурбон бўлди – миллат уйғонди;
-чинор синдираётгандек кўринади, аммо унинг илди-

Жадидлар ҳақида ёзилган ҳар бир сатр – фақат хотира эмас, балки замонга мурожаат. Холида Исмоилнинг “Жадидлар руҳига” шеърдан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкин:
улардаги жасорат биздан ҳам жасорат талаб қилади;
улардаги маърифат биздан ҳам маърифат истайди;
улардаги адолатсизликка қарши исён – биздан ҳам кучли адолат қидиришни талаб қилади.

Жадидлар руҳи ҳануз тирик. Уларнинг қурбонлиги – миллат учун сабоқ. Улар қон билан бошлаган ишни биз қалам билан, билим билан, маърифат билан давом эттиришимиз лозим.

Сабоҳат БҲРИЕВА,
6-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

«Boshdan oyoq shon-sharafga ko‘milgan qalb...»

Ona tilim

Jonona til, jonimga jonsan,
Yetmish ikki tomirda qonsan!
Bek avlodi baralla so‘zlar,
Yer yuzida yorug‘ imkonsan.

Dunyo-yu din – birlamchi ilm,
Uyg‘un zabon, sen eng chiroylim!
Qo‘llab she‘rda boy lug‘atingdan,
Ona tilim, naq g‘ururlandim!

Alla zuvolasin yo‘g‘irding,
Quloqlarda chiniqudi ohang.
Shohasarlal qalbiga kirding,
Kulib yuzim ochdi go‘zal rang.

Bobolarga bo‘lding yon qanot,
Ruhi‘band naqnuuslar uchdi.
Ajodlardan yuksak iltifot,
Senki, yurak mulkiga tushding.

Shu boisdan so‘zga mayoqsan,
Poyoni yo‘q dars-u saboqsan.
Jumla-jahon tanigan millat –
Tub ildizim, ko‘z-u qaroqsan.

Omad buyurganim, erkligim,
Qushki, xumo, oqqush, ko‘rkligim.
Istiqlolning shamollari esaverib,
Sen tufayli ko‘nglim to‘q, chunki
Izsiz ketmas bor-u yo‘qligim.

Chamaningga qilma xiyonat

Shoshilganing, yelganing qayer?
Oyog‘ingni tutibsan qo‘lga.
Savolingni aniq javob ber!
Gul unmaydi qaqragan cho‘lda.

Ko‘zlaringni ochsang bo‘lardi,
Va‘da qilgan pul-zari ertak.
Burgut kechmas o‘z qoyasidan,
Burching bajar, bo‘lsang-chi, erkak!

Qon to‘kishga, ketishga shahid,
Joning o‘chmi, berilganmisan?
Keyin isnod zanjirin taqib,
Asran, tamg‘a qo‘yilganidan!

Qalbga suyan, ishon yurakka,
Vataningdan yurma yuz burib.
Hech xiyonat qilmag‘in xalqqa,
Mard farzand bo‘l yonida turib.

Chamaningga qilma xiyonat!..

VATAN

Bu diyorning har bir joyida,
Gul lolalar yashnab turadi.
Osmonlari musaffo yurtning,
Hurlik kuyi yangrab turadi.

Bu diyor – Yangi O‘zbekiston,
Cho‘llari bo‘lgan bog‘u bo‘ston.
Keling qardosh xalqlar biz yoqqa,
Mehmon bo‘ling O‘zbekistonda.

Qancha-qancha ulug‘lar o‘tgan,
Qancha-qancha buyuk insonlar.
Jondan kechdi o‘g‘lonlar yona,
Vatan – ona Vatan yagona.

Ro‘ziful JO‘RAYEVA,
57-maktabning 6-sinf o‘quvchisi.

Менинг сарбонларим

невараларимга бағишлов

Бобосининг келахаги, орзуси,
Борлиғи-ю, вужудининг титроғи.
Бор умиди кўзин оқу-қароси,
Патир бўлган ҳаётининг қаймоғи.

Неваралар ҳаётимда издошим,
Насихатим: доим тутинг қулоққа.
Бу дунёнинг ўнги кўп-у чапи кўп,
Қинғир йўлда тушиб қолманг тузоққа.

Ватан учун ярайдиган, қароғим,
Ботир бўлинг, адолатга дўст бўлинг.
Сизлар менинг ёнимдаги чирогим,
Оқни-оқ деб, ҳақ йўлда рост бўлинг.

Туғ‘у

Sog‘indingmi qishlog‘ingni?

Hammaning ham quchoq turfa xil she‘rlar.
ochib kutib oladigan qutlug‘
maskani bor. Ona zamin,
tovoningni qizitgan, kindik qoning
to‘kilgan tuproq – u qancha
zamonlar o‘tsa ham o‘zgarmaydi.
Sen yurgan o‘sha ko‘chalar, sen
bosgan izlar, har tong g‘ashingga
tegsa-da, seni uyqudan
uyg‘otadigan xo‘roz. Sen uchun
tandirda yopiladigan shirmoy
nonlar, sen cho‘miladigan o‘sha
soylar, zamonlar osha
o‘zgarmaydi va doim sening
nazdingda ular shundayligicha
qoladi.

Xo‘sh, sog‘indingmi qishlo-
g‘ingni? Bobongni, buvingni,
o‘sha qishloqdagi do‘stlaringni?
Ular ham seni juda sog‘inishgan...

*Ketding shahar tomon
olimlik uchun,
Bo‘lding mana
el sevgan shoir.
Yozmoqdasan*



Qiz-o‘g‘loni bo‘lsa qo‘pol, jonim chiqar,
Ona mehrin qilsa uvol, jonim chiqar.
Burning balandlashgan, sabab-to‘kis zamon,
Parvarishi kelsa malol, jonim chiqar.

Seni asli ravon yo‘lga kim soldi, ayt,
Senga holva, bol tutib qachon toldi, ayt?!

O‘zbekiston bayrog‘i

Kundan kunga osmonga bo‘y cho‘zaverib,
Yurt otasi bilan dunyo kezaverib.
Istiqlolning shamollari esaverib,
Himolaytog‘i viqorigandan pastdir bu on,
Bayrog‘ingni ko‘kka ko‘tar, O‘zbekiston!

Jumla-jahon hayratingda yashaydi shod,
Soyangda ko‘pmillatli xalq erur ozod.
Baxshida she‘r, asar-la boy adabiyot,
Chempionlar bilan qayta taratding dong,
Bayrog‘ingni ko‘kka ko‘tar, O‘zbekiston!

Bilim

Poydorliging birlan mudom haqsan, bilim,
Intilganlar hamyonida naqdsan, bilim!

Pog‘onama-pog‘ona zavq qadamlarda,
Zukkolikka tomon yo‘l–ravnaqsan, bilim!

Boshdan oyoq shon-sharafga ko‘milgan qalb,
Yuksak o‘rin taloshida jahdsan, bilim!

Yashna dedim, dil so‘zimda gullagin sof,
Tortib xomush birda xushchaqchaqsan, bilim!

Jon chekkan har kishiga chin qilib xizmat,
Yo‘q desa gar ularga befarqsan, bilim!

ONAJONIM

Mehringizni dunyolarcha berdingiz-a,
Ham tuyg‘uni bildirmayin oldingiz-a.
So‘rasam chog‘, kayfiyatim zo‘r deysiz-a,
Nega, ona, g‘amingizni bildirmaysiz?

Xafa bo‘lsam g‘amlarimni olgansiz-a,
Gar egilsam, dalda berib turdingiz-a,
Kecha-kunduz duolarda bo‘ldingiz-a,
Qadringizni bilmadim-a onajonim?!

Ko‘zlaringizda yoshlarizni aritmadim-a,
Bir bor sizni xursand qilib qo‘ymadim-a.

Avazbek
TOSHMUHAMMEDOV,
oddiy askar.

Loy kўчага кириб қолманг, сиз фақат,
Рақиблар кўп, чапиб қолар оёқдан.
Яхшилиғи-ёмонлиғи билмасдан,
Зор қақшаган, куйганлар бор ҳаётдан.

Тақикловчи белгиларни ёд билинг,
“Иблис”ларнинг ҳайласига учманг ҳеч.
Билиб-билмай иш қилинса бегумон,
Хатоларни тузатишга бўлар кеч.

Ҳаётимда сиздан ширин асал йўқ,
Қанча суйсам бу дийдордан тўймоқ йўқ.
Умр оқар дарё, деган даҳолар,
Бу бир тугун дунё мағзин тўймоқ йўқ,
Нормаҳмат МУҲАММАДИЕВ,
меҳнат фахрийси,
“Меҳнатобод” маҳалласи.

Ezib tag‘in berma savol...

Tarozida navbat gir aylangan bu payt,
O‘yinga tush, o‘yna halol, jonim chiqar.

Onasidan yuz burganmi Payg‘ambarlar,
Hech mahalda do‘q urganmi Payg‘ambarlar?
Ona isi behishtlardan mushki anbar,
Xor qilishni surma xayol, jonim chiqar.

Duolari ilohiyki, yorishar tong,
Allalaridan orom topgan murg‘ak jon.
Diydang qattiqmi yo yo‘ldan urdi shayton?!
Shod et, ilin yangi ro‘mol, jonim chiqar...

Bag‘ringga bos undan ko‘ra, halovat tut,
Mehr ulash, yuzin sila, g‘animat tut!
Jannatingni qilgil rozi, so‘ng omad kut,
Ezib tag‘in berma savol, jonim chiqar...

Dast ko‘tarib ko‘z-u boshda el erkalar,
Tog‘ kuraging shukur, eltar mard yelkalar.
Havas ko‘zi-la boqmoqda ne o‘lkalar,
O‘zbek bilan umrboqiy yashash – imkon,
Bayrog‘ingni ko‘kka ko‘tar, O‘zbekiston!

Istiqlolning ilk davridan qadding baland,
Sen qalbmning g‘ururisan, asli, Vatan.
Madhingni goh ko‘rsatolmay yugurgayman,
Kundan kunga o‘zgarmoqda davr-u zamon,
Bayrog‘ingni ko‘kka ko‘tar, O‘zbekiston!

Mangu mag‘rur hilpirayver, ruhimda to‘y,
Kuylab vasfing sara so‘zning bari xushro‘y.
Ular ona Vatan uchun chin duogo‘y,
Pok niyat-la yuksalmoqda ko‘kka xirmon,
Bayrog‘ingni ko‘kka ko‘tar, O‘zbekiston!

Sen-la olgan har bir nafasimdir tilla,
Inin ko‘ngilda qurgan farhsdan, bilim!

Orzu-umidlarning ummonida suzdim,
Bulbulimning xonishi–chahchahsan, bilim!

Dunyobexabarlik yomondan yomon ish,
Mas‘uliyat, matlab, oliy ahdsan, bilim!

Maqsad-murodlarga yetkazguvchi karvon,
O‘tirganda marradagi taxtsan, bilim!

To‘kin-sochinlikdan derkim Sunnatullo,
Hayotimda biram to‘kis baxtsan, bilim!

Sunnatullo RAHMON,
Denov tadbirkorlik va pedagogika
instituti o‘qituvchisi.



Qalbidagi ustozlar

Ustoz—nurli osmonim, hayotim chirog‘i,
Har bir sabog‘ingiz qalbm quvonchi.
Mehr bilan ochgansiz bilimlar eshigin,
Siz tufayli topdim kelajak yo‘lim.

Ilk qadamimda yonimda bo‘lib,
Shodlik bilan quchdingiz, Dilorom ustoz.
Alifbo-yu, harfni, so‘zni o‘rgatib,
Bolalik bog‘imni nur ila to‘ldirdingiz.

Bugun yonimda hamisha suyanchim,
Muyassar ustoz— bilimim tayanchim.
Har bir darsingiz sabr ila bezalgan,
Hayot maktabida ibratga to‘lgan.

Til orzusin qalbmga singdirgan,
Nigora ustoz— sevimli, suyuqligim.
Ingiliz tili darsida uchdim qanotda.
Kelajakka eltib qo‘ydingiz hayotda.

Ey ustozlar, mehringiz cheksiz ummon,
Duoyingiz bilan parvozda inson,
Rahmat aytaman, bosh egib sizga,
Ismingiz bitilgan qalbm yuziga...

Farzona MUSTAFOQULOVA,
11-maktabning 11-sinf o‘quvchisi.

«Raqaamli avlod qizlari» tanlovi

O‘quvchimiz muvaffaqiyati

Mamlakatimizda raqaamli texnologiyalarni chuqur o‘zlashtirgan, yangilikka intiluvchi yosh avlodni qo‘llab-quvvatlash maqsadida tashkil etilgan “Raqaamli avlod qizlari” Respublika tanlovining tuman bosqichi joriy yilning 4-8 noyabr kunlari bo‘lib o‘tdi.

Mazkur tanlovda Muzrabot tumanidan 181 nafar qizlar ishtirok etdi. Tanlov davomida ishtirokchilar o‘z loyihalari orqali axborot texnologiyalari sohasidagi bilim va ko‘nikmalarini namoyish etdilar.

Quvonarli shundaki, tanlovda maktabimizning 10-sinf o‘quvchisi Safarxol Fayzullayeva munosib ishtirok etib, faxrli 2-o‘rinni qo‘lga kiritdi.

Ushbu yutuq nafaqat Safarxolning shaxsiy g‘alabasi, balki maktabimiz jamoasi uchun ham katta faxr va ilhom manbayi bo‘ldi. Endilikda Safarxol viloyat bosqichida ishtirok etadi. Biz o‘quvchimizga kelgusi bosqichda ham omad va yangi zafarlar tilaymiz!

O‘lmas

UMAROV,

48-maktabning matematika

va informatika o‘qituvchisi.

Ernazarova Pardaxol Rizayevnaga tegishli 2023-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 K 078 XA bo‘lgan «Sedan» rusumli yengil avtomobilga 2024-yil 14-mayda berilgan AAG 4073764 raqamli avtomototransport vositasi ro‘yxatdan o‘tkazilganligi to‘g‘risidagi guvohnoma yo‘qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Insoniyat madaniyatining oʻzgarmas merosi

KITOB BILAN DO‘ST TUTINGAN INSON EDI

Har bir shaxs oʻzining huquqiy ongi, tafakkuri va qobiliyatidan kelib chiqib, jamiyatda bir kasbning egasi sifatida oʻz oʻrnini topishida, maʼnaviyatini shakllantirishda, albatta, kitobning oʻrni muhim ahamiyatga ega. Kitob – insonga bilim, tajriba va his-tuygʻularni yetkazish va dunyoqarashini kengaytirish uchun yaratilgan vosita. U nafaqat bilim manbai, balki insoniyatning ruhiy va maʼnaviy rivojlanishini ifodalovchi, bir avloddan boshqasiga oʻtadigan, turli davrlarda yaratilgan noyob tafakkur mahsulidir.

Kitoblar insoniyat maʼdaniy merosining ajralmas qismi sifatida, nafaqat tarixiy hujjatlar, balki odamlarning hayotiy tajribasi, orzu va intilishlari, maʼnaviy qadriyatlarini va butun bir jamiyatning dunyoqarashini saqlab qoladi. Maʼlumki, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targʻib qilish boʻyicha kompleks chora-tadbirlar dasturi toʻgʻrisida” 2017-yil 13-sentabrdagi PQ-3271-son qarori qabul qilingan edi. Unga koʻra, bu borada bir qancha tashkiliy amaliy ishlar bajarildi.

Rivojlanayotgan mamlakatlarda xalq uchun saxovatpesha koʻplab kitobxon shaxslar oʻzining izlanuvchanligi bilan xususiy kutubxonalar tashkil etmoqda. Bularning yorqin misoli sifatida Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev 2018-yil yanvar oyida Surxondaryo viloyatiga tashrifi chogʻida xalq taʼlimi fidoyisi Doʻstqobil Qodirovning Muzrabot tumanida uy kutubxonasini joriy etish haqida taklifini maʼqullab, bu boʻyicha bir qancha tushiriqlar bergan edi. Oʻsha yilning aprel oyida ushbu kutubxona tantanali ravishda foydalanishga topshirilgani barchamizga sir emas. Ushbu uy kutubxonasida zamonaviy tarzda taʼmirlangan 2 ta oʻquv zal mavjud boʻlib, kompyuterlar bilan jihozlangan. Doʻstqobil Qodirovning 10 mingdan ortiq



shaxsiy nodir kitoblari bilan toʻldirilgan. Ziya maskanidagi bu kabi qulayliklar faqatgina muzrabotlik kitobxonlar uchun emas, balki vohamiz ahlini bebaho ilm durdonalaridan bahramand boʻlish imkoniyatini yaratdi. Zamonaviy kutubxonaning bunyod etilishi mahallaning, qolaversa, tumanning yosh-u qarisiga bir olam quvonch bagʻishladi. Bu yerda nafaqat badiiy adabiyotlar, shuningdek, taʼlim, tibbiyot, qishloq xoʻjaligi, maʼnaviy-marifiy yoʻnalishga oid kitoblar va talabalarga zarur boʻlgan qoʻllanmalarining borligi eʼtiborga molikdir. Doʻstqobil Qodirov ijodkor oʻqituvchi edi. Uning “Ilk qaldirgʻochlar parvozi”, “Ardogʻimdagi odamlar”, “Taʼlim-tarbiya komillik garovi” nomli kitoblari, 6 ta uslubiy qoʻllanmalari nashr etilgan hamda 100 dan ziyod ilmiy-ommabop, uslubiy maqolalari

va ocherklari, respublika, viloyat va tuman vaqtlı matbuotida eʼlon qilingan. Doʻstqobil Qodirovning “Kitob oʻqib, ilm egallash dastlab axloqiy poklikni talab qiladi. Shuningdek, taʼlim va tarbiya bir butunlikni koʻrsatadi, faqat shu borliqqa amal qilgan insonlarga kamolot sari bora oladi” degan

hikmatli soʻzlari hamda “Nimagaki erishgan boʻlsam u kitob tufaylidir, yoshligimdan kitob bilan doʻst tutindim” degan fikrlari kishini yanada kitobga boʻlgan muhabbatini oshirishga xizmat qiladi. Yaxshidan bogʻ qolar deganlaridek, Doʻstqobil hoji Qodirov haqida qancha mulohaza yuritsakda, shuncha koʻp fikrlar kelaveradi. Hozirda u kishi oramizda yoʻq. Lekin, ulkan ishlarni amalga oshirganligi bilan xalq qalbida oʻchmas iz qoldirgan, saxovatpesha inson edi. Xulosa oʻrnida shuni aytish kerakki, jamiyatni kitobsiz tasavvur etib boʻlmaganidek, undan samarali va toʻgʻri maqsad sari harakat qilishda foydalanish va buyuk ishlarni amalga oshirish uchun yordamchi ekanligini unut-masligimiz kerak. **Botir XURSANOV,** tuman axborot-kutubxona markazi direktori.

Taassurot va talgin

Inson yaralibdiki, dunyoga kelganidan to oxirgi manziliga qadar intilib yashaydi. Hayotda oʻz oʻrnini topishga, oʻz qobiliyatlarining qaysi sohaga yoʻnalganligini anglashga harakat qiladi. Xususan, men ham turli fanlarga oid saboqlar olganman, lekin hech biri adabiyot kabi qalbingma nur, hayotimga mazmun, shuurimga tafakkur urugʻlarini socha olmagan.

«Mehrobdan chayon» romani mohiyati

Hozirgidek esimda, ilk oʻqigan badiiy asarim Abdulla Qodiriyning „Oʻtkan kunlar“ romani edi. Adabiyot ixlosmandlari davrasida adabiy bahslarga, asardagi qahramonlarning fojeasiga chin aybdorni tanlashga oid dolzarbligini hali-hanuzgacha yoʻqotmagan ushbu asar, albatta, menda ham oʻzgacha taassurot uygʻotgan. Keyin „Mehrobdan chayon“ romani mutolaasiga kirishganman. Taxmin qilganingizdek, endi chin maʼnoda kitobsevarga aylangan edim. Negaki, Qodiriyning ushbu asarlari sof realistlik ruhda yaratilgan boʻlib, uni oʻqigan kitobxon oʻzini shu davr olami, turmush tarzi, hattoki, shu davr koʻchalarida birga kezayot-gandek, gʻamlariga sherik boʻlib, koʻz yosh toʻkayotgandek his qilishi turgan gap. Realistik asarning oʻquvchilarga manzur boʻlishining asosiy sababi esa, hayot haqiqati kishini doim oʻziga tortishidardi.

Abdulla Qodiriyning «Mehrobdan chayon» romani bejiz bunday atalmadi. Romanda Anvar, Raʼno, Sultonali, Nigoroyim kabi ijobiy qahramonlar bilan bir qatorda Abdurahmon, Kalonshoh mirzo, Shahodat mufti singari oʻz manfaatini har nedan ustun koʻruvchi obrazlar ham yoʻq emas. Bilamizki, “Mehrob” eng pok, namoz oʻqiladigan joy. Qahramonimiz Abdurahmon oʻsha mehrobdan chiqqan chayon edi. Chunki u yoshligida turli nomaqbul ishlarni qilib keyinchalik turmush vaji bilan madrasalarda oʻqib, asta-sekinlik bilan diniy niqob ostida oʻziga soxta mavqe orttiradi. Halol insonlarga tuhmat qilib, ularning taqdirida fojealar yasaydi. Asar qahramoni Anvarga tuhmat qilib imzosiz noma yozib, xonga taqdim etadi. Anvar bilan

unashilgan Raʼnoni xonga tavsiya etib, Anvarning hayotiga yana chirkın changalini soladi. “Mehrobdan chayon” romanidagi qahramonlar xarakter jihatdan ham, insoniylik amallariga koʻra ham bir-biridan tubdan farq qiladi. Yana shuni taʼkidlash joizki, Qodiriy umuman badiiy adabiyotda ungacha boʻlmagan obrazlar yaratga olgan-ligi uchun ham adabiyotimizning yirik dargʻasi hisoblanadi. Soʻzimni uning shu asarda yaratgan qahramonlari misolida oydinlashtiram. Solih mahdumning ham fazilatları yoʻq emas, albatta. Yozuvchi uning ziqnaligini ham yoshlikdan yetimlikda oʻsganlikka yoʻyib oqlasa-da, hamma narsasi yetarli boʻlgani koʻyi “...Bir oy toʻlmasdan kir yuvishga ruxsat bermas...” jumlası orqalı uni yana chin maʼnoda gavda-lantiradi. Yuqorida aytganimdek, Solih mahdumning ham oʻziga yarasha fazilatları bor edi. U oʻsha davrning savodli, maʼrifatparvar kishisi boʻlgan, maktab ochib, yoshlarga bilim bergan, asarda aytılıshiga koʻra u ishlab chiqqan programma asosida savod chiqarish tez va oson boʻlgan. Uning maktabdorlik faoliyatidagi yutuqlaridan biri sifatida Anvarni koʻrsata olamiz. Oʻyin oʻynab oʻtirgan qizi Raʼnoga qaratga “ishing boʻlmasa kitob oʻqi, husnixat ol, sen kulonning qizi emassanki” deyishi ham oʻsha davr kishilari “ayol-qizlarga ilmingni nima keragi bor, ular turmushga chiqsa eng yaxshisi shu” deb qarovchi kishilardan farqli ekanini koʻrsatadi. Oʻz rafiqasi Nigoroyim ham oʻqitib,

ayollarga otinlik qilishga oʻrgatadi. Bir soʻz bilan aytganda, Solih mahdum shu davr maʼrifatparvari edi. Navbatdagi qahramon Nigoroyim obrazi – u oʻzbek ayollariga xos sabr-bardosh, qanoat ramzi sifatida gavdalanadi. Solih mahdumning roʻzgʻor tutishiga hatto uni tuqqan onasi ham bardosh bera olmay

boshqa oʻgʻlinikiga ketib qolsa-da, Nigoroyim oilam, farzandlarim deya barchasiga sabr bilan chidadi. Natijada, Raʼnodek ziyrak, oqila bir qizni tarbiyaladi. Asarda yana shunday bir qahramon borki, romanni usiz tasavvur etish mushkul. Barcha ijodkorlar Navoiydek KOMIL INSON obrazini yaratishni orzu qilishga ajabmas. Qodiriy “Oʻtkan kunlar” romanida Otabek misolida chin insoniylikka xos jihatlarni jamlab, komil inson yaratishga harakat qilgan boʻlsa-da, baʼzi omillar, xususan, u savdo kishisi ekanligi, siyosiy vaziyatga aralashmagani, turmush tufayli hayoti algʻovdaligʻov boʻlib ketgan holdarda u doim ikkinchi planga chiqib qoladi. Uning uchun boshqalar qaygʻuradi va Otabek qaysidir maʼnoda ularning yoʻrigʻiga koʻra ish koʻradi. Masalan, Otabek bexabar Hasanali uning nomidan Kumushga sovchi boʻlib boradi, yoki otasi xonlikdagi vaziyat ogʻirliqi sabab uyga kelmasligini buyuradi, Oʻzbek-oyim uni ikkinchi marta uylantiradi. Shu va shunga oʻxshash vaziatlarda Otabek individual qaror qabul qilmaydi. Meningcha, Qodiriyning maqsadi keyingi romanida oʻz aksini topdi. Anvar chin maʼnoda komil inson edi deya olaman. Chunki u oddiy, qashshoq oiladan oʻz bilimi, intilishi orqali xon oʻrdasida Mirzolik vazifasigacha koʻtarildi. Yoki uning koʻp yillik pinhona muhabbati Raʼnoga ham kattalar ruxsatidan soʻng haqiqiy bir oʻzbek kishisi sifatida bosiqlik bilan muomalada boʻladi. Hattoki Raʼnoni xonga berishmoqchi boʻlishganida, unga muhabbati qanchalik kuchli boʻlmasin, u ota oʻrnida boʻlib tuz tortirgan Solih mahdumga nisbatan isyon qilmadi. Qodiriy asarning shu joyida mentalitet masalasiga

ham urgʻu berib oʻtganligini yaqqol koʻra olamiz. “Mehrobdan chayon” romani bir qarashda oddiy insonlarning turmushini aks ettirgandek koʻrinsada, aslida Qodiriy asari orqali xonliklar hayotini koʻrsatishga harakat qilgan. Voqealarni ochib berishda esa Anvar, Raʼno va ularning ishq-muhabbati kalit vazifasini oʻtagan. Bevosita Anvarning xon oʻrdasida ishlashi davomida xonning davlat ishlariga qanchalik loqaydlik bilan yondashishini, riyokor odamlarning gapiga uchib, qarorlar qabul qilishini, Raʼnoga uylanmoqchi boʻlganida, haramdagi hayotni koʻrish orqali Xudoyorxon xon sifatida aysh-ishratga berilgan, uni boshqaruvchi kimsalar qoʻlida bir qoʻgʻirchoq xon ekanligini kitobxon anglaydi. Asarda xonning bunyodkorlik ishlari xususida ham soʻz borsa-da, bu bunyodkorlik orti oʻrda, madrasalar, binolar, saroy va rastalarning qurılıshida oddiy xalqning ogʻir va ayovsiz mehnati va xonning zulimi yotadi. U bu ishlarni yaxshilik uchungina amalga oshirmaydi, shu yoʻl bilan siyosiy rahbarlar, ruslarga yaxshiroq koʻrinishni xohlaydi. Xulosa qilib aytganda, Qodiriy shu davr jaid maʼrifatparvari sifatida oddiy turmush tafsilotlarini aks ettirgan asar yozishi mumkin emasdi. U qalamga olgan har bir qahramon, har bir voqea yaqin oʻtmishining oynaga solinganday aksi boʻlib, adib kishilarga hayot haqiqatini badiiy adabiyot bilan boʻyab yetkazib berishga harakat qilgan. “Mehrobdan chayon” romani mutolasi davomida insonlar turmushidagi yoʻqsillik va yetishmovchiliklarni, adolatsizlik va zulmlarni koʻzim bilan koʻrgandek ich-ichimdan ezilib qahramonlarga sherik boʻlganman. Butun tafakkurimni qamrab olgan asar yodi bilan ancha vaqtgacha yurganman. Bu esa ijodkorning yuksak mahoratidan dalolat beradi. Asar yozilganligiga salkam bir asr boʻlishiga qaramay, kitobxonlar diqqat markazida boʻlgan ushbu romanda tarix, milliylik, davr muammosi, qadriyatlar, samimiy muhabbat jamlangan va muhtasham bir asar holiga keltirilgan. **Farzona SHAYMUROVA,** TerDU Oʻzbek filologiyasi fakulteti 4-bosqich talabasi.

Бозор-ўчар қилиб уйга қайтар эдим. Бекатга яқин-лашганимда битта енгил машина гизиллаганча ўтиб кетди. Ранги зулукдан ҳам қора. Узоққа бормай ортага қайтдида рўпарамда сигнал чалганча тўхтади. Рулдаги пўрим йигит сўради: -Чегарагами? Ўтиринг. Бу қишлоғимизнинг номи. -Ха,-дедим шоша-пиша хурсанд бўлиб. -Сизни яқиндан танима-сам ҳам биламан, - дея ҳайдовчи радио овозини пасайтирди. - Мен қўшни қишлоқ Навшаҳарданман. Балки эшитгандирсиз Панжи полвоннинг ўғли. Кенжаси. -Ха-а, Полвонни яхши танийман. Тўй-маъракаларда учрашиб қоламиз, - деб гуруннга қўр ташлаша уриндим. - Машинани яқинда олдингизми. Булорсин. -Раҳмат! Булорсинга ҳали кўп бўлгани йўқ. Бир ойдан ошди. Отпусқага чиқиб у ёқ-бу ёққа миняпман. -Ундай бўлса бир маслаҳат берсам нима дейсиз, - сўрадим йигитдан. -Бепулими ишқилиб, - деди у қувлик билан қараб қўрқан. -Бизда мижозлардан ҳақ олиш йўқ. Текинга хизмат қиламиз, - дедим ўз навба-тида гапни ҳазилга буриб. -Ия, ўзимиздан экансиз-ку, тоға, - деб юборди суҳ-батдошим қувонганидан. -

Сипойигина бўлиб келаётган- низи кўриб опкетай деби-дим. - Яхши бўлди. Ўртадаги ушбу гап-сўзлар яқинлиқни оширди. -Маслаҳатни айтинг, мас-лаҳатни. Бошқасини қўяту-ринг, - деди у жилмайиб. - Боз устига текин экан. -Кам бўлманг, - алқадим мен. - Бизнинг қишлоқни

ган кезларим эди. Бир куни ҳамқишлоғингиз ху Қорасув бўйида турадиган ошман Хи-дирубой фермер қўтлаш учун келди. Мехмон бўлди. Кета-ётганида ҳозир сиз айтган-дай тўйда пул ишлаб олиш-ни маслаҳат берди. Маши-нани олишда бироз қарздор бўлгандим. Бу менга маъ-кул тушди. Тўйларга бориб

гиз деб ҳам аташади. Қўл бўйидаги кафе-ресторанда роса ўйин-кулгу бўлди. Ке-лин-куёвни кемада сайр қилдиришди. Мижозларим мениям қўярда қўймай ич-карига олиб киришди. У ерда ҳамма нарса муҳайё эди. Йигитларнинг бири роса шинаванда экан. Мениям ароқ ичишига таклиф қилди.

ХИЗМАТИМ БЕМИННАТ Ҳажвия

яхши биларкансиз. Нимамиз кўп тўйимиз-тантанамиз кўп. Айниқса, келин тўйда ҳозир камида 30-40 та худди сиз-никидай рангдаги машина хизматга қақирилади. Бориб икки-уч соат айлантриб жарақ-жарақ пул ишлаб ол-сангиз бўлмайдимиз? -Бўлмайди тоға, бўлмай-ди, - у шартта гапимни чўрт кесди. - Бир марта хизмат-га бориб бўларим бўлган. Энди борсам нақ машинам-дан айриламан. -Йўғ-е, - дедим ишонгим келмай. -Ха, гапимга ишонаверинг тоға, деди “жиян” батамом жиддийлашиб. Хатто ҳозир-гина гули қаҳ-қаҳ бўлиб очилиб турган юз-кўзи бир зумда уюлди-қолди. Пича вақт шу зайлда тунд бўлиб қолдида каминани анг-танг қолдирган қўйидаги ҳанго-мани айтиб берди. -Машинани эндигина ол-

юрадиган ҳамсоямдан илти-мок сиз қилдим. У чор-ночор мениям ўзи билан бирга олиб кетди. Мен куёвнинг ошоналаридан заказ олдим. Кира ҳақини келишдик. Келин-куёв карвонида дабдаба билан қатор тизи-лишиб боряпмиз денг. Ша-ҳарни роса айландик. Ма-шинадагилар бот-бот ол-диндагиларни қувиб ўти-ни талаб қилишарди. Таби-ийки мен кўнмадим. Азбаройи машинам янгили-ги учун эмас, ўзим кўча қондаларига риоя қиладиган бўлганим учун. Куёв жўра-лар ҳарқалай инсофга ке-лишдими бир-бирига имо қилишиб ортиқча тирғалиш-мади. Мени тушунди деб хурсанд бўлдим. Аслида ун-дай бўлмаган экан. Бу инда-маслиқнинг тағида бир фит-на борлигини англамабман. Ёшлар “Учқизил” қўлига-ям боришди. Ҳозир уни ден-

У пайтлар оз-моз нўш қилиб турардим. Шоввоз йигит заиф томонимни топганди. Даст-лаб машинами муборакбод қилди. Рулдалигимни айтиб узр сўраганимда йўлга “от-вечат” қилишини, шунинг учун ҳечам чўчимаслигимни уқтирди. Хуллас, мени ром қилди-да қўйди. Қўлтиғимга пуфлаганига марсиниб ола-верибман, олаверибман ва охири “ўчибман”. Бир маҳал ўзимга кел-сам, қишлоқда тўй бўлаёт-ган қовлининг тағида ма-шинада ётибман. Ўзимни ўнглаб у ёқ-бу ёқни тек-лашрган бўлдим. Худога шу-кур машинага шикаст етма-ган. Бош қурғур бўлса тарс ёрилай деяпти. Чамаси “ул-фат” мижозларим маст бўп қолғач мени машинага ор-ти ўзлари ҳайдаб қайтиш-ганди. Уялганимдан ўнгу сўлга қарамай қочиб қол-дим. Кира ҳақи нима бўлди

дейсизми? Нима бўларди насия кетдида, тоғажон. Уф-ф, энг ёмони уйга келгач бўлди. Дарвозада сиз яхши танийдиган Панжи полвон – отам кутиб турган экан. Лаънати ҳамсоя Қосим писмиқ ҳаммасини оқизмай-томизмай ошириб қўпиртириб етказибди. Отам сўраб суриштириб ўтирма-дида момоннинг рапидаси-дай келадиған шапати би-лан тушириб қолди. Камига роса сўкди. Машинага бир хафта яқинлаштирмади. Минбад қирақашлик қилмас-ликка сўз бериб аранг қутулдим. Шу-шу миндирган одамимдан бир тийин ҳам олмайман. Пўрим жияннинг ғалати саргузашти охирлаганда манзилимга етиб келгандим. Қайта-қайта раҳмат айтиб машинадан тушарканман чўнтақ қовлаётганимни кўриб норози бўлиб деди: -Тоға, нима мен сўзидан қайтадиган субутсизга ўхшайдимми? Ўзи сиз чега-ралик оғайинлардан узокроқ юрган маъқулга ўхшайди. Кирага деган пулингизга не-вараларга ширинлик ва мен-дан салом олиб бориинг. Хайр. Зулукдан ҳам қоп-қора бўлган машина бир зумда шитоб билан кўзғалиб узоқ-лаб кетди. **М.ХОЛМИРЗАЕВ.** Фидокор маҳалласи.



Beparvolik yong‘inga sabab bo‘ladi

Yong‘in nima sababdan kelib chiqadi? Beparvolik, loqaydlik, eʼtiborsizlik-yong‘in sodir boʻlishining asosiy sabablaridir. Xususan, elektr simlarining qisqa tutashuvi, yangi qurila-yotgan va qayta taʼmirlanayot-gan binolarda gaz va elektr payvandlash ishlarida, oʻchmagan sigaretani tashlash oqibatida, bolalar shoʻxligi tufayli gugurt, gaz plitasi va boshqa olov bilan bogʻliq tufayli televizor, dazmol va boshqa maishiy texnik jihozlarni yoqiq holda qoldirish va boshqa koʻplab sabablarni keltirish mumkin. Bunday eʼtiborsizliklar

koʻplab koʻngilsiz holatlar sodir boʻlishiga olib kelmoqda. Xalqimizni oʻt balosidan asrash nafaqat yong‘in xavfsizligi xizmati xodimlarining vazifasi boʻlib qolmay, balki yurtimizda yashayotgan har bir fuqaroning burchidir. Xonadonlarda, xizmat joylarida, jamoat joylarida oʻrnatilgan yong‘in xavfsizligi qoidalariga rioya etish orqali yong‘inlar sodir boʻlishining oldini olishdek baxtsiz hodisalarni oldini olishga erishishga yoʻl qoʻmasligimiz mumkinligini unutmasligimiz lozim. **S.QODIROV,** tuman FVB P va NB PN inspektori, katta leytenant.

MUZRABOT

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari
Muzrabot tumani Kengashi
va tuman hokimligi

Muharrir
Abdusalom YOʻLDOSHEV

Tahririyat manzili:
191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qoʻrgʻoni,
Amir Temur koʻchasi, 38-uy.
Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta roʻyxatga olingan. ISSN 2181-7006.

Buyurtma G-2230 nusxada bosildi. Qoʻlgʻuz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi-473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi B.Shoyardonov. Navbatchi muharrir A.Yoʻldoshev. Navbatchi O.Hakimova.

Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Sypxana» gazetaları tahririyati bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona koʻchasi, 19-A uy. Topshirish vaqti – 14-00. Topshirildi – 14-00